*1-илова*

**Ўтказилган илмий тадбир тўғрисидаги ҳисобот**

| | | |
|---|---|---|
| 1 | Илмий тадбир мавзуси | Техник жиҳатдан тартибга солишда метрологик таъминот |
| 2 | Илмий тадбир мақоми (республика ва халқаро) | Республика анжумани |
| 3 | Илмий тадбирнинг илмий йўналиши, мақсад ва вазифалари. | Анжуманнинг илмий йўналиши: Анжуманнинг ўтқазилиши 20 май халқаро метрология кунига бағишланган. Ўзбекистон миллий метрология институти, Техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва метрология соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш департаменти, Аккредитация маркази, Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази (“UzTest” ДМ), Штрихли кодлаш ва ахборот технологиялари маркази, давлат ташкилотларида бажариладиган ишлар билан яқиндан танишиш.<br>Анжуманнинг мақсади: Юқорида кўрсатилган ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқитиладиган метрология, стандартлаштириш, техник жихатдан тартибга солиш, маҳсулот сифати, сертификатлаштириш ўқув фанлари доирасида тараққиётга дахлдор бўлган муаммолар муҳокамасини ўтказиш, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг билим ва тажрибаларини замонавий даражага ошириш ва бу борадаги муаммоларнинг ечимини излашдан иборат.<br>Анжуманнинг вазифалари:<br>- соҳа олимлари, мутахассислари ва профессор-ўқитувчиларининг метрология, стандартлаштириш, сертификатлаштириш соҳасидаги илмий изланишлари ва тажрибалари борасида эришган сўнгги ютуқлари муҳокамаси;<br>- метрология, стандартлаштириш ва сертификатлаштириш йўналишларига доир ўқув фанларни олий таълим муассасаларида ўқитиш тажрибалари билан алмашишдан иборат. |
| 4 | Муҳокама қилинган масалалар | 1. Техник жиҳатдан тартибга солиш назарияси ва амалиёти.<br>2. Ишлаб чиқаришда техник жиҳатдан тартибга солишнинг метрологик таъминоти.<br>3. Хизматлар кўрсатиш соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишнинг метрологик таъминоти. |

| | | |
|---|---|---|
| | | 4. Инновацион таълим технологиялари. |
| 5 | Илмий тадбир якуни бўйича натижалар | Анжуман доирасида Республикадаги соҳа мутахассислари, ёш илмий изланувчилар ва олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар маърузалари асосида фикр алмашди, анжуман якунида илмий-амалий тадқиқот натижалари ва бу борадаги долзарб муаммоларни ҳал этиш истиқболлари муҳокама қилинди. “Ўзбекистон миллий метрология институти” ДМ Бухоро филиали корхонаси билан ҳамкорликда куйдагиларни амалга оширишга келишилди:<br>– Олий таълим – илм-фан – ишлаб чиқариш ўртасида интеграцияни таъминлаш. Илмий-тадқиқот изланишларни иқтисодиёт соҳаларининг реал эҳтиёжларидан келиб чиқиб, олий таълимда кадрлар тайёрлаш жараёнига зарур даражада жалб этилиши.<br>– Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини кенгайтириш орқали Республика олий таълим тизимида юқори малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти истиқболлари, жамият эҳтиёжлари, илм-фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиққан ҳолда тубдан такомиллаштирилиши. |
| 6 | Жами иштирокчилар сони | 240 киши (офлайн) |
| 7 | Шундан, хорижий иштирокчилар сони | 2 киши |
| 8 | Маҳаллий иштирокчилар сони | 238 киши |
| 9 | Имзоланган меморандум ва шартномалар сони | - |
| 10 | Анжуман материаллари тўпламида чоп этилган мақола ва тезисларнинг умумий сони | 104 |

**БМТИ ректори :** **проф. Н.Р.Баракаев**

**“Метрология ва стандартлаштириш” кафедраси мудири:** **доц. Б.Б.Таиров**

# Фото суратлар













**Илмий тадбирда иштирок этган этган чет эллик иштирокчилар тўғрисида маълумот**

| № | Ф.И.Ш. | Давлат | Иш жойи, лавозими | Илмий даражаси, унвони | Маъруза мавзуси |
|---|---|---|---|---|---|
| **Чет эллик иштирокчилар** | | | | | |
| 1 | Харитончик Сергей Васильевич | Белорусия | Белорусия миллий техника университетнинг Ректори | Техника фанлари доктори, доцент | Халқаро метрологиянинг техник соҳаларда аҳамияти |
| 2 | Ширвель Павел Иванович | Белорусия | Белорусия миллий техника университетнинг Халқаро ҳамкорлик факультетнинг декани | Физика-математика фанлари номзоди, доцент | |





**“Метрология ва стандартлаштириш” кафедраси мудири:** **доц. Б.Б.Таиров**